

ТУРК МЕДИАСИ: ТУРК СЕРИАЛЛАРИДА АЁЛЛАР ҲАЁТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Вилоят Шодиева

Бугунги янги даврда ўзбек медиасига турк сериаллари ҳам кириб келди. Айни кундаги интернет ва ижтимоий тармоқлардаги кенглик, имкониятлар медиа оламида сериалларнинг ҳам кириб келишида ҳам муҳим ўрин тутяпти. Сиз сериал кўришингиз учун телевизорни ёқиб унинг қачон эфирга кетишини кутиб ўтирмайсиз. Бўш вақтингиз ютуб орқали ҳам кириб бемалол қайта ва қайта мағзини чақиб кўришингиз мумкин. Албатта, бу кўпроқ шаҳар шароитига тўғри келади. Чунки, пойтахт ва вилоятларимизнинг марказий шаҳарларида бу борада муаммо бўлмаслиги мумкин. Лекин чекка ҳудудларимиздаги хотин-қизларимиз кўпроқ уларнинг жони дили бўлган сериалларни телевидениедаги кўп сонли каналлар орқали кўриб томоша қиладилар. Бу кўп жиҳатдан мазкур сериалларга мухлисларни орттирса, бошқа жиҳатдан бошқа миллатларнинг кўз илғаб-илғамаган мафқурасини ҳам сингдириб боряпти.

Шуни унутмаслигимиз керакки, бир қарашда биз “хонтахта” сериаллар, деб атайдиган кўп қисмли сериалларимиз таг замирида ҳам ўша миллат ва давлатнинг мафқуравий тарғиботи туради.

Биргина, турк сериалларининг шиддат билан кириб келиши бизда хотин-қизларимизнинг ўз кадр-қимматларининг билиши, оилавий турмуш, оилада аёл ва эр бир яшаши муҳим эмаслиги, баъзан никоҳ манфаатлар устига қурилишини “ўргатиб” боряпти, десак ҳам муболаға бўлмайди.

Мисол учун 2018-2023 йиллар давомида турк режиссёрлари Мурат Ўзтурк, [Неслихан Ешилорт](#), Эдже Эрдек Кочолулари томонидан суратга олинган нафақат турк, балки ўзбек аёлларимизнинг севимли сериалига айланган “Yasak Elma” “Тақиқланган олма” (тарж.) сериали бизнинг “Sevimli” телеканалимиз орқали “Қора ният” номи билан эфирга узатилди. Аммо мазкур канал ушбу сериални маълум бир мавсуми тугагандан кейин бир муддат тўхтатиб қўйди. Кейин эса яна эфирга узатди.

Сериал ҳақида сўз очадиган бўлса, ушбу сериалдаги қаҳрамонлар Эда Эджа (Yildiz Yilmaz), Шавваль Сам (Ender Chelebi), Талат Булут (Halid Argun) каби актёрлар бош ролларни ижро этганлар. Сериалда беш маротаба уйланган Halid Argunga кўп маротаба аёллар қайта турмушга чиқишни орзу қиладилар. Бойлик, обрў ва шуҳратга орзуманд бўлган аёллар ушбу эркакнинг ҳаётини эгаллайдилар. У ҳам ўз ўрнида, аёлларга ўч бўлади. Шундай қилиб, Halid Argun аслида бир-

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

бирларига яқин бўлган дугона аёллар билан ҳам турмуш куради. Аёллар бир эркак ортидан душманга айлансалар ҳам, қалтис вазият ва вақтларда бирлашадилар.

Фильм жуда қизиқарли кульминацион нуқталарга бой. Асосан аёллар турмуши ортида кечаётган воқеалар аёлларни қизиқтириб қўйиши билан аҳамиятли. Бунда Ender Chelebi образи жуда мукамал яратилган. Бунда аёлнинг ишбилармонлиги билан макр-хийла билан бўлса ҳам ўз ҳаёт йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаши ва бунга ўзидан ташқари бошқаларни ҳам жалб этиши билан қизиқарли. Унинг ҳаётида бойлик, қамбағаллик, шухрат ва шухратсизлик, севги ва таҳқир ёнма-ён кўрсатилади. Enderнинг ҳамма қийин вазиятларга бардошидан ҳар қандай аёл ҳам ўзи учун мотивация ва куч олади.

Ender Chelebi укаси Жанерга ҳам жуда меҳрибон ва самимий. Гарчи ўзининг фарзандлари у билан бирга яшамаса ҳам, у доим укаси билан истиқомат қилади. Укаси ҳам унинг тан соқчиси бўлиши билан бирга доим ҳамкорликда ёрдамчиси бўлади.

Ender Chelebi қанчалик эпчил ва ишбилармон бўлмасин унинг ҳар қадамда ҳар хил муаммолар кутиб туради. У ўзи ишлайдиган эри раҳбарлик қилаётган ташкилотга Yildiz Yilmazни ишга олдиради. У Yildizни бировга озор бермайдиган садоқатли ва фидойи, деб ўйлайди. Аммо, Yildiz ҳам бой бўлиш илинжидаги қиз эди. Аслида у бойлик учун бирор бир қабихликни режа қилиб ҳаракат қилмаса ҳам вазиятлар унинг фойдасига ҳал бўлади. Enderнинг турмуш ўртоғи Halid Argun Yildiz Yilmazга севги изҳор этади. Yildiz эса унинг бу изҳорини жон, деб қабул қилади.

“Қора ният” сериалининг 20-қисмида Yildiz Halidнинг оиласида унинг фарзандлари Зеҳра ва Лиля билан ҳаёт кечира бошлаган ҳолати тасвирланади. Бойликка ўч Yildiz ўша куни онаси ва синглиси учун жудаям қимматбаҳо кийимлар сотиб олади ва уларнинг яшаётган ижара уйларига олиб бориб беради. У онаси ва синглисига “энди у кунлар ортда қолди”, дейди. Ушбу қисмда Yildizнинг шу биргина сўзи унинг ички бир оламини очиб беради.

Фильм мавсум ва қисмларини кўриб борар экансиз, ҳар бир қисмда фильмдаги аёлларнинг ички оламини кенг кашф этиб бораверасиз.

Шунингдек, фильмда Туркияда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлигини ҳам кўриш мумкин.

Сериалдаги аёллар орасида Shahinka образи ҳам яратилган. Бу аёл ҳам турмушга чиқишда фильм қаҳрамонларидан қолишмайди. У ҳам дугоналарининг эрларига тегиб чиқиш билан бирга доим бахт овчиси сифатида намоён

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

бўлаверади. У ҳатто қотилликдан ҳам бош тортмайдиган даражада кўз олдингизда намоён бўлади. Фильмнинг 102-қисмида ёнғин содир бўлади. Ёнғинда Yildiz ва Chag'atay бахтли тасодиф туфайли омон қолишади. Бу қисм ҳам айнан Shahinkанинг янги бир макр ва хийласи, тузоғи бўлади. Фильмда аёллар макру хийлалари кўпроқ ишлатилади. Уларнинг бу йўлда бирлашишлари ҳам кишини ҳайратга солади.

Турк кино ижодкорлари, режисёрлари Фарук Тебер, Чағатай Тосунлар томонидан 2019 йилда суратга олиниб, 2020 йилда эфирга узатилган “Kardeş Çocukları”, Ўзбекистонда Milliy TV орқали эфирга узатилган “Опа-сингил қизлари” номли сериалда актёрлар Мехмет Асланту (Yildirim Saner), Айча Бингёл (Umran Chetin), Нур Фаттагуллу (Umay Karay), Аффа Сарачоглу (Hayat Chetin) ва бошқа актёрлар Энгин Алкан, Алара Туран маҳорат билан рол ижро этади.

Фильмда Умран ва Умай номли аёллар бир вақтлар бир йигитга ошиқ бўлган икки сингил образи яратилади. Умран, қизи Ҳаёт билан эрининг зулми остида кичик бир қишлоқда яшайдилар. Умай эса Истанбулда қизи Хаял билан дабдаба ичида яшашади. Кўп йиллар ўтгач, опа-сингиллар яна тўқнашадилар ва уларнинг қизлари битта йигитга ошиқ бўлишади, бу эса янги кутилмаган ҳодисалар ва ўтмишдаги ҳисоблар ҳақидаги маълумотларга олиб келади.

Фильм қисмларининг кўрганингиз сари муҳаббат изтироблари, бойлик ва қашшоқликнинг тўқнашуви ичида қоласиз.

Бир умр ёшликдаги биринчи муҳаббатини синглиси Умай туфайли йўқотган Умран золим эрининг барча ўзи ва қизига қилаётган золимликларига чидаб яшайди. Аммо, қизи Ҳаёт улғайгач эса, эрининг ваҳшийлиги ортидан у тутқунликда сақланади.

Фильмнинг 2-қисмида эса, эрнинг ўз нафси йўлида қизни тутқунликка гирифтор қилганлиги тасвирланади. У ёш қизни катта пул эвазига турмушга бериб юбормоқчи бўлади. Аммо қиз бунга рози бўлмайди. Чунки, унинг қишлоқдан кетиб шаҳарда Умай холасидек бахтли ва бой бўлиб яшаш орзуси бор эди. Унинг орзулари фильмнинг 1-қисмидаёқ модель холасининг журналда чиққан расмларига маҳлиё бўлиб туриши орқали берилади. Аммо онаси унинг бу орзуларига ичидан хайрихоҳ бўлсада, қизидан айрилиб қолишдан кўрқарди ва унга қаршилик кўрсатар эди.

Фильмни кўриб борганингиз сари Умран ва Умай образида икки хислат разиллик ва содалик, одамийлик каби фазилатларнинг ёнма-ён туришига, у бизнинг ҳаётимизда доим учраб туришига гувоҳ бўласиз. Турк сериалларига хос

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to'plami

бўлган жумбоқ, сир ўзига сизни қизиқтириб кўяди. Фильм сўнгида Умран биринчи муҳаббати бўлган йигитга ҳаёт қийинчиликларини енгиб турмушга чиқади.

Опасининг муҳаббатига раҳна солган ва бу йўлда разилликдан қайтмаган Умай эса аслида бир қарашда бой ва бахтли бўлсада, бахтсизлигича қолади.

Бир сўз билан айтганда, “Опа-сингил қизлари” сериалида аёллар бахт ва бахтсизликка эришишларида ўзларининг ҳам ҳиссалари борлигини кўз илғамас англаиб ўтиб кетгандек бўлади. Чунки, Умай учун ҳаётда севги эмас бойлик муҳим эди ва у бу йўлда опасининг ўзига тўқ севгилиси Yildirim Sanerга ўзини бахш этади. Лекин бу муваффақиятсиз чиқади. Лекин шунда ҳам у бахт излаб шаҳарга кетади ва у ерда қолади. У маълум бир маънода ўз бахтини, орзулари рўёбини кўради.

Умран эса бойликдан кўра муҳаббат афзал эди. У севгилиси Yildirim Sanerдан туғилган сингилисини қизи Ҳаят учун бор ҳаётини бахшида қилади.

Фильмнинг охириги сўнги қисмида Умран билан Yildirim Sanerнинг бахт қуршовида турганлиги тасвирланган бўлса, Умай Карайнинг гарчи бой бўлсада изтиробда бахтсизлик қаршисида турганлигини кўришингиз мумкин.

Шундан англаш мумкинки, инсон у нимани хоҳласа унга ҳаёт шуни беради. Кимгадир бойлик ва муҳаббат берса, кимгадир у тилаган бойлик. Разиллик эса, жавобсиз қолмайди.

Фойдаланилган сайтлар:

1. <https://yandex.ru/search/?text=%D2%9B%D0%BE%D1%80%D0%B0+%D0%BD%D0%B8%D1%8F%D1%82+%D1%82%D1%83%D1%80%D0%BA+%D1%81%D0%B5%D1%80%D0%B8%D0%B0%D0%BB%D0%B8+20+%D2%9B%D0%B8%D1%81%D0%B8%D0%BC&clid=2411726&lr=10335>.
2. <https://yandex.ru/search/?text=%D2%9B%D0%BE%D1%80%D0%B0+%D0%BD%D0%B8%D1%8F%D1%82+%D1%82%D1%83%D1%80%D0%BA+%D1%81%D0%B5%D1%80%D0%B8%D0%B0%D0%BB%D0%B8+20+%D2%9B%D0%B8%D1%81%D0%B8%D0%BC&clid=2411726&lr=10335>.
3. <https://yandex.ru/search/?text=Karde%C5%9F+%C3%87ocuklar%C4%B1&clid=2411726&lr=10335>
4. <https://www.instagram.com/p/CMdEZ4KqRLg/>